

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2010 йил 27 августдаги 2 сонли қарорига
илова

**Алкоголли ичимликлар балансини тузиш,
аҳоли жон бошига алкоголли ичимликлар истеъмолини
ҳисоблаш бўйича услубий низом**

Ушбу услубий низом мулкчилик шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар бўйича алкоголли ичимликлар ресурсларини шаклланиши ва фойдаланиш ҳисобини тўлиқлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, Низомда аҳолининг турли хилдаги алкоголли ичимликлар истеъмолини статистик кузатиш мақсадида, аҳоли жон бошига алкоголь истеъмолини ҳисоблаш усули келтирилган.

Ушбу услубий низом давлат статистика органларида статистик маълумотларни шакллантириш жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган.

1. Умумий қоидалар

1. “Ресурслар ва фойдаланиш” балансини ҳисоблаш усули ички бозорда алкоголли маҳсулотлардан фойдаланишнинг тўлиқ ҳажмини аниқлаш имконини беради, статистик маълумотларни бир-бири билан боғлаш имкониятини беради ва айрим турдаги алкоголли ва кучсиз алкоголли маҳсулотлар ресурсларини фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш учун асос ҳисобланади.

2. Балансда алкоголли маҳсулотлар ресурсларининг шаклланиши ва фойдаланилиши акс эттирилади. Ресурслар ҳисобот даври бошига товарлар қолдиғи ва ресурслар тушумидан шаклланади. Ресурслардан фойдаланиш ички ва ташқи бозорлардаги истеъмол ва ҳисобот даври охирига товарлар қолдиғи мавжудлиги бўйича кузатилади.

3. Алкоголли ичимликлар балансини (бундан кейин - баланс) ишлаб чиқиш қуйидаги алкоголли ичимликлар турлари бўйича амалга оширилади:

а) ароқ ва ликер-ароқ маҳсулотлари (барча турдаги ароқ, ўткир ва десерт ликерлар, кремлар, наливкалар, апперитивлар, бальзамлар, ром, вискилар, жинлар, десертли алкоголли ичимликлар);

б) вино (узум, узум вино ичимлигини қўшган ҳолда; мева-резавор, вижиллайдиган мева-резавор ичимликларни қўшган ҳолда);

в) шампан виноси, кўпикланадиган винони қўшган ҳолда;

г) коньяк, коньякли ичимликларни қўшган ҳолда;

д) пиво.

4. Баланс юқорида кўрсатилган алоҳида ҳар бир товар бўйича натура ўлчов бирлигида (дал) йил бошидан ошиб борувчи якунда ишлаб чиқилади, баланс тузилиши 1-иловада келтирилган.

2. Балансларни ишлаб чиқиш учун маълумотлар манбаи ва таркиби

5. Баланслар ҳисобот даврида алкоғолли ичимликлар ресурслари и улардан фойдаланишни акс эттиради.

Алкоғолли маҳсулотлар ресурсларидан фойдаланишнинг тўлиқ ҳажми баланси “Ресурслар” ва “Ресурслардан фойдаланиш” бўлимларидан ташкил топади.

6. “Ресурслар” бўлими қуйидагилардан ташкил топади:

а) “Ҳисобот даври бошига қолдиқлар” кўрсаткичи – улгуржи ва чакана савдо корхоналари, ишлаб чиқарувчилардаги алкоғолли маҳсулотларнинг амалдаги қолдиғини ўз ичига олади;

“Улгуржи корхоналардаги қолдиқ» ва “Чакана савдо корхоналаридаги қолдиқ” сатрларида – алкоғол билан савдо қилувчи корхоналардаги алкоғолли ичимликлар қолдиғи кўрсатилади;

“Саноатдаги қолдиқ” сатри маълумотлари саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш тўғрисидаги статистик ҳисобот асосида шакллантирилади;

б) “Ресурслар тушуми” кўрсаткичи алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилардан ресурсларни келиб тушиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади;

“Ишлаб чиқариш” сатрига алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш тўғрисидаги йиғма маълумотлар киритилади;

“Импорт” кўрсаткичи – божхона статистикаси маълумотлари асосида шаклланади;

в) “Жами ресурслар” сатрида алкоғолли маҳсулотларни жами ишлаб чиқариш ҳажми, узоқ ва яқин хориждан келиб тушиш, ишлаб чиқарувчилардаги, улгуржи ва чакана савдо корхоналаридаги ҳисобот даври бошига товар захиралари кўрсатилади.

7. “Ресурслардан фойдаланиш” бўлими алкоғолли маҳсулотлар ресурсларини тақсимланиши, ички бозордаги уларнинг истеъмоли, экспорт ва ҳисобот даври охирига қолдиқлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади;

а) ички бозордаги истеъмол тўғрисидаги маълумотлар “Аҳолига сотиш” сатрида чакана савдо ва овқатланиш объектларида сотиш тўғрисидаги статистик ҳисобот маълумотлари асосида кўрсатилади;

б) “Экспорт” сатри божхона статистикаси маълумотлари асосида шаклланади;

в) “Ҳисобот даври охирига қолдиқ” сатрида ишлаб чиқарувчилар, улгуржи ва чакана савдо корхоналаридаги ҳисобот даври охирига алкоғолли маҳсулотлар қолдиғи тўғрисидаги маълумотлар жамланади;

“Улгуржи корхоналаридаги қолдиқ” ва “Чакана савдо корхоналаридаги қолдиқ” кўрсаткичлари улгуржи ва чакана савдо корхоналарининг, овқатланиш корхоналарини қўшган ҳолда, маълумотларидан иборат;

“Саноатдаги қолдиқ” кўрсаткичи саноат корхоналарининг статистика ҳисоботлари асосида тўлдирилади.

8. 7- ва 8- бандларда кўрсатилган алкоғолли ичимликлар балансини ишлаб чиқишда, 2- ва 3- иловаларга мувофиқ давлат статистика ҳисоботи ва божхона статистикасидан фойдаланилади.

9. “Ички бозор истеъмоли” кўрсаткичи баланс усулида, яъни “Жами ресурслар” сатридан экспорт ва ҳисобот даври охирига қолдиқ ҳажмини айириш йўли билан шакллантирилади.

3. Ички бозорда алкоғолли маҳсулотлар сотилишини қўшимча баҳолаш

10. Баланс усулида олинган ички бозорда алкоғол ичимликларнинг истеъмоли тўғрисидаги маълумотлар “Аҳолига сотиш” сатри маълумотлари билан солиштирилади, агар номуаносиблик бўлса қуйидаги формула орқали алкоғолли маҳсулотларнинг ҳар бир тури бўйича сотиш ҳажмини қайта баҳолаш коэффициенти аниқланади:

$$K = P_6 / P_{\phi},$$

бунда, K – алкоғолли маҳсулотларни сотиш ҳажмини қайта баҳолаш коэффициенти;

P_6 – баланс бўйича ресурслардан фойдаланиш;

P_{ϕ} – амалда аҳолига сотилиши (ҳисобот бўйича).

11. Олинган коэффициент республика ва ҳудудлар бўйича ички бозорда аҳолига алкоғолли маҳсулотлар сотиш маълумотларини тўғрилашда фойдаланилади.

Бунда, агар $K > 1$ бўлса, мос равишда алкоғолли маҳсулотлар сотиш ҳажми қўпайиш томонга қайта баҳоланади.

4. Аҳоли жон бошига алкоғол истеъмолини ҳисоблаш

12. Аҳоли жон бошига алкоғол истеъмолини ҳисоблаш (жами ва турлари бўйича) натура кўринишида ва абсолют алкоғолга қайта ҳисобланган ҳолда республика ва ҳудудлар кесимида амалга оширилади.

13. Алкоголли ичимликларнинг аҳоли жон бошига истеъмолини натура кўринишида ҳисоблаш ҳар бир алкоголли ичимликнинг натура кўринишидаги сотилиш ҳажмини мавжуд аҳолининг ўртача йиллик сонига бўлиш орқали аниқланади.

14. Алкоголли ичимликлар истеъмолининг умумий ҳажми абсолют алкогольга қайта ҳисоблаб чиқилган алоҳида алкоголли ичимликлар турларини сотиш йиғиндиси орқали аниқланади.

15. Алкоголли ичимликлар алоҳида турларини абсолют алкогольга қайта ҳисоблаш натура кўринишидаги истеъмол ҳажмини тегишли бир литр алкоголли ичимлик таркибидаги 100 фоизлик спиртни акс эттирувчи қайта ҳисоблаш коэффициентига кўпайтириш орқали амалга оширилади.

Айрим алкоголли ичимликлар турлари бўйича коэффициентлар қуйидагича:

Ароқ ва ликер ароқ маҳсулотлари	0,4-0,3
Вино	0,144-0,18
Коньяк	0,41
Шампан виноси	0,11
Пиво	0,0285-0,06

16. Абсолют алкогольга қайта ҳисобланган алкоголли ичимликларнинг аҳоли жон бошига истеъмоли, абсолют алкогольга қайта ҳисобланган барча алкоголли ичимликлар сотувининг умумий ҳажмини мавжуд аҳолининг ўртача йиллик сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

5. Якуний қоидалар

17. Алкоголли ичимликлар балансини шакллантириш ҳамда алкогольли маҳсулотларни сотиш тўғрисидаги маълумотларга тузатиш киритиш чораклик асосда ва йил учун амалга оширилади.

Алкоголли маҳсулотларни сотиш ҳажмига тузатиш киритиш республика миқёсида амалга оширилади ва кейинчалик ҳисоблаш натижалари ҳудудларга етказилади.

18. Йиллик алкоголли маҳсулотлар баланси дискрет чораклар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Алкоголли ичимликлар балансини тузиш,
аҳоли жон бошига алкогольли ичимликлар истеъмолини
ҳисоблаш бўйича услубий низомга 1-илова

Баланс тузилиши

	Ҳудуд бўйича жами
I. РЕСУРСЛАР	
1. Ҳисобот даври бошига қолдиқ	
шу жумладан корхоналарда:	
улгуржи савдода	
чакана савдода	
саноатда	
2. Ресурслар тушуми	
Ишлаб чиқариш	
Импорт	
Жами ресурслар	
II. РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	
1. Ички бозор истеъмоли – аҳолига сотиш	
2. Экспорт	
3. Ҳисобот даври охирига қолдиқ	
шу жумладан корхоналарда:	
улгуржи савдода	
чакана савдода	
саноатда	

Алкоголли ичимликлар балансини тузиш,
аҳоли жон бошига алкоголли ичимликлар истеъмолини
ҳисоблаш бўйича услубий низомга 2-илова

Чораклик балансни ҳисоблаш чизмаси

Бўлимлар номи	Сатр хос рақа- ми	Маълумот манбаи, ҳисоб қоидалари
Ҳисобот даври бошига қолдиқ	01	02+03+04
шу жумладан корхоналарда:		
улгуржи савдо	02	чораклик 3-Савдо “Товарлар сотиш ва қолдиқлар тўғрисида ҳисобот”и йиғма маълумотлари, 3-устуннинг 42-,43-,44-,45-,46-сатрлари бўйича ўртача сотиш нархига бўлинган қийматлари бўйича
чакана савдо	03	чораклик 3-Савдо “Товарлар сотиш ва қолдиқлар тўғрисида ҳисобот”и йиғма маълумотлари, 6- ва 9-устун- ларни 42-,43-,44-,45-,46-сатрлари бўйича ўртача сотиш нархига бўлинган қийматлари бўйича
саноат	04	ойлик 1-П “Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисида ҳисоботи” йиғма маълумотлари, II бўлим, 4-устун
Ресурслар тушуми	05	06+07
Ишлаб чиқариш	06	ойлик 1-П “Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисида ҳисоботи” йиғма маълумотлари, II бўлим, 2-устун
Импорт	07	божхона статистикаси маълумотлари
Жами ресурслар	08	01+05
Экспорт	09	божхона статистикаси маълумотлари
Ҳисобот даври охирига қолдиқ	10	11+12+13
шу жумладан корхоналарда:		
улгуржи савдо	11	02-сатр каби
чакана савдо	12	03-сатр каби
саноат	13	04-сатр каби
Ички бозорда сотиш учун ресурслар жами	14	08-09
Баланс бўйича аҳолига сотиш	15	$R_6 = 14-10$
Амалда аҳолига сотилгани	16	$R_f =$ барча сотиш каналлари бўйича шаклланган чакана товар айланмасига тенг

Алкоголли ичимликлар балансини тузиш,
аҳоли жон бошига алкоголли ичимликлар истеъмолини
ҳисоблаш бўйича услубий низомга 3-илова

Йиллик балансни ҳисоблаш чизмаси

Бўлимлар номи	Сатр хос раками	Маълумот манбаи, ҳисоб қоидалари
Ҳисобот даври бошига қолдик	01	02+03+04
шу жумладан корхоналарда:		
улгуржи савдо	02	Йиллик шакллар йиғма маълумотлари: 3-Савдо “Товарлар сотиш ва қолдиқлар тўғрисида ҳисобот”и йиғма маълумотлари, 3-устуннинг 42-,43-,44-,45-,46-сатрлари; 1-МБ 8-бўлим 3-устуни; 1-МБ(ВЭС) IX бўлим 3-устундан ўртача сотиш нархига бўлинган қийматлари бўйича
чакана савдо	03	Йиллик формалар йиғма маълумоти: 3-Савдо “Товарлар сотиш ва қолдиқлар тўғрисида ҳисобот”и йиғма маълумотлари, 6- ва 9-устун- ларнинг 42-,43-,44-,45-,46-сатрлари; 1-МБ 8-бўлим 6- ва 9-устунлари; 1-МБ(ВЭС) IX бўлим 6-ва 9- устунлардан ўртача сотиш нархига бўлинган қийматлари бўйича
саноат	04	Йиллик I П “Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисида ҳисоботи” йиғма маълумоти, III бўлим, 9-устун
Ресурслар тушуми	05	06+07
ишлаб чиқариш	06	Йиллик I-П “Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисида ҳисоботи” йиғма маълумоти, I бўлим, 1-устун
Импорт	07	Божхона статистикаси маълумотлари
Жами ресурслар	08	01+05
Экспорт	09	Божхона статистикаси маълумотлари
Ҳисобот даври охирига қолдик	10	11+12+13
шу жумладан корхоналарда:		
улгуржи савдо	11	02-сатр каби
чакана савдо	12	03-сатр каби
саноат	13	04-сатр каби
Ички бозорда сотиш учун ресурслар жами	14	08-09
Баланс бўйича аҳолига сотиш	15	$P_6 = 14-10$
Амалда аҳолига сотилгани	16	$P_ф =$ барча сотиш каналлари бўйича шаклланган чакана товар айланмасига тенг